

Тохириён Абдуллохи Шерализода,
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети ҳузуридаги педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш тармоқ (минтақавий)
Маркази "Таълим технологиялари" кафедраси
доценти

Абдуллаева Дилноза Нарзуллаевна,
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон миллий
педагогика университети "География ва уни
ўқитиш методикаси" кафедраси профессори
вазифасини бажарувчиси

МАКТАБ ФАНЛАРИ ОРҚАЛИ ЁШЛАРДА ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ГЕОГРАФИК-ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВИ

УЎК: 37.03

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_7_7](https://doi.org/10.34920/so/vol_2025_issue_7_7)

**ТОХИРИЁН А.Ш., АБДУЛЛАЕВА Д.Н. МАКТАБ ФАНЛАРИ ОРҚАЛИ
ЁШЛАРДА ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ГЕОГРАФИК-ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВИ**

Мазкур мақолада мактаб таълимида фанлараро интеграция асосида ўқувчиларда тарихий хотира ва географик-экологик маданиятни ҳамоҳанг шакллантириш масалалари таҳлил қилинади. Интегратив ёндашувнинг таълим-тарбиядаги ўрни, тарих, география, табиий фанлар каби фанларнинг ўзаро боғлиқликда ўргатилиши орқали ёш авлодда Ватанга садоқат, табиатга эҳтиром ва маданий қадриятларга бўлган муносабатни ривожлантириш имкониятлари кўрсатилади.

Таянч сўз ва тушунчалар: тарихий хотира, ўзликни англаш, географик-экологик маданият, фанлараро интеграция, методик ёндашув.

**ТОХИРИЁН А.Ш., АБДУЛЛАЕВА Д.Н. ИНТЕГРАТИВНЫЙ ПОДХОД К
ФОРМИРОВАНИЮ ИСТОРИЧЕСКОЙ ПАМЯТИ И ГЕОГРАФИЧЕСКИ-
ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ У МОЛОДЕЖИ ПОСРЕДСТВОМ ШКОЛЬНЫХ
ПРЕДМЕТОВ**

В данной статье анализируются вопросы исторической памяти и гармоничного формирования географической и экологической культуры у учащихся на основе междисциплинарной интеграции в школьном образовании. Благодаря роли интегративного подхода в образовании, преподаванию таких предметов, как история, география, естественные науки во взаимосвязи, у подрастающего поколения проявляются возможности для развития преданности Родине, бережного отношения к природе и отношения к культурным ценностям.

Ключевые слова и понятия: историческая память, самосознание, географически-экологическая культура, междисциплинарная интеграция, методологический подход.

TOKHIRIYON A.SH., ABDULLAYEVA D.N. AN INTEGRATIVE APPROACH TO THE FORMATION OF HISTORICAL MEMORY AND GEOGRAPHICAL AND ECOLOGICAL CULTURE AMONG YOUNG PEOPLE THROUGH SCHOOL SUBJECTS

This article analyzes the issues of historical memory and the harmonious formation of geographical and ecological culture among students based on interdisciplinary integration in school education. Due to the role of an integrative approach in education, teaching subjects such as history, geography, and natural sciences in interconnection, the younger generation has opportunities to develop devotion to the Motherland, respect for nature, and respect for cultural values.

Key words and concepts: historical memory, self-awareness, geographical and ecological culture, interdisciplinary integration, methodological approach.

Кириш. Бугунги глобаллашув шароитида таълим мазмунини янгилаш, уни миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда ташкил этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади¹. Ёшларнинг онгида тарихий хотирани шакллантириш ҳамда географик-экологик маданиятни шакллантириш масалаларини ўзаро ҳамоҳанг тарзда йўлга қуйиш, айнан миллий ва умуминсоний қадриятларни зарур таносибини сақлаш каби вазифалар умумтаълим мактабларда фанлараро интеграция асосидаги комплекс ёндашувни талаб этади.

Шахснинг жамиятга киришиши ўзига хос жараён сифатида, ҳамда ижтимоийлашувнинг бир неча босқичлари орқали амалга оширилиши, педагогика фанининг асосий тадқиқот вазифалари таркибига киради. Шунинг учун, шахсда ижтимоийлашувга мос ва хос бўлган фазилатларни тарбия орқали шакллантириш ва ижтимоий ҳаётда соғлом яшаш тарзи, соғлом дунёқараш, соғлом хулқ-атвор, умуман соғлом маънавий қиёфага эга бўлиб ҳаёт кечириш хусусиятларини ҳосил қилиш, айниқса, ҳозирги шиддатли маънавий ва мафкуравий-ғоявий курашлар майдонига айланган замонда, ҳар бир халқ ва миллатнинг келажак учун кечаги ва бугунги ўзлигини сақлаб қолишда, катта аҳамиятга эга. Бу жараёнда, ўқувчиларнинг тарихий хотираси омили ҳамда уни мустаҳкамлашга замин ярата оладиган географик-экологик маданиятидан самарали фойдаланиш, ҳатто уларнинг шакллантирилиши ёки ривожлантириш меҳа-

низмлари педагогиканинг долзарб вазифаси сифатида илмий доираларга кириб келмоқда.

Таълим тизимининг стратегик вазифаларидан бири келажакда геозкологик маданиятнинг юқори даражасига эга, узлуксиз ўзини ўзи ривожлантиришга, жамият тараққиёти ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига йўналтирилган, коэволюцион ғояларини идрок этиш ва амалга оширишга ҳамда инсониятнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қодир шахсни шакллантиришдир. Ушбу вазифа ечимининг муваффақияти эса кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида шахснинг географик ва экологик маданиятга кириши, умумий дунёқараши ва энг муҳими ўзликни англашда тарихий хотираси даражаси муҳим роль ўйнайди.

Муаммонинг қўйилиши. Маълумки, фанда интегратив ёндашув замонавий таълимдаги методологик ёндашувнинг асосини ташкил этади. Чунки интеграция, бу фанлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва уйғунликни таъминловчи методология ҳисобланади. Бундай ёндашув таълим жараёнида турли фанлар орқали умумий ғояларни шакллантиришга кўмаклашади². Масалан, тарих дарсларида Ўзбекистон халқининг мустақиллик учун курашлари ёритилса, география дарсларида бу ҳудудларнинг табиий ресурслари ва экосистемалари ҳақида маълумот берилади. Бошқа табиат фанларида табиатни муҳофаза қилиш, адабиётда эса миллат фидойилари образлари орқали ватанпарварлик ғояси мустаҳкамланади.

¹ UNESCO (2020). Education for Sustainable Development: A Roadmap. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000374802>

² Абдуллаев Қ. Интегратив таълим ва фанлараро ёндашув: назария ва амалиёт. - Тошкент: Фан ва технологиялар нашриёти. 2022.

Географик-экологик маданият назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш натижасида бутун мамлакат ва хусусан республикамиз мактаб ўқувчиларини географик-экологик ўқитиш соҳасида қимматли назарий ва амалий тажриба тўплаган деган хулосага келиш мумкин. Бироқ, бу иш вақти-вақти билан амалга оширилади ва мунтазамлик ҳолатига эга эмас. Кўпгина мактаб ва лицейларда талабалар экологик иш билан шуғулланмайдилар ёки бу вақтинчалик характерга эгадир. Шу ўринда, тарихий хотирани шакллантириш жараёнида, тарихий жойлар, тарихий обидалар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар географик билимлар мазмунига сингдирилиб, ўзликни англаш жараёнини бойитиш ва кучайтириш мақсадида, Ватан ўтмиши, унинг гўзал табиати ва ранг-баранг маънавий меросини улуғлаш таълимий-тарбиявий мақсадга киритилса, жараёнда мунтазамлик устувор бўлишига аминмиз. Пароканда ҳолатда, фақат тарихий билимлар ёки фақат географик-экологик билимлар ўқувчилар қизиқиши даражасини пасайтирса, интегратив ёндашувдаги ҳолатда ушбу вазият ўзгаради.

Демак, бугун мактаб фанлари орқали ёшларда тарихий хотира ва географик-экологик маданиятни шакллантиришнинг жараёнига амалий интегратив ёндашув, методологик жиҳатдан асосланиб йўлга қўйилса, ёшларнинг ҳар қандай мафкуравий хуружларга қарши иммунитетини шакллантиришга замин яратилади.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактаб фанлари орқали ёшларда тарихий хотира ва географик-экологик маданиятни шакллантиришнинг интегратив ёндашувини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти тарих, география ва экология фанлари таълими дастурлари ва ўқув-методик манбалар.

Тадқиқотнинг предмети фанлараро интегратив ёндашув орқали ўқувчиларда тарихий хотира ва географик-экологик маданиятни шакллантириш жараёнини таҳлил қилиш.

Тадқиқот ва натижалар таҳлили. Муаллифларнинг икки йўналиш, яъни тарихий хотирани шакллантириш ҳамда географик-экологик маданиятни шакллантириш масалалари бўйича алоҳида-алоҳида олиб борилган

тадқиқотларига кўра¹, мактаб фанлари орқали тарихий хотира ва географик-экологик маданиятни шакллантириш жараёнларида кўп умумий методологик ёндашувлар кузга ташланади. Чунки иккала ҳолатда ҳам, маълум бир когнитив-аксиологик таъсир остидаги шахсининг билими ва онгидаги ўзгаришлар унинг дунёқараши ва жамиятга бўлган муносабатида ўз ифодасини топади. Бироқ, муайян шароитда ва маълум бир мамлакатда тарихий хотиранинг шаклланиши ва ишлаш жараёни ва механизмларини фақат ушбу концепцияни таҳлил қилиш орқали тушуниш мумкин. Бир томондан, маълумки, *тарихий хотира* – миллий ўзликнинг асосий омилларидан бири саналади. Тарихий хотира инсоннинг ўз ўтмишига, миллатнинг тарихи ва буюк шахсларига бўлган муносабати орқали шаклланади². Мактабдаги тарих дарслари – шунчаки сана ва воқеалар йиғиндиси эмас, балки

¹ **Абдуллаева Д.Н.** 1) Мактаб ўқувчиларининг географик-экологик маданияти: изланиш ва айрим хулосалар // *Замонавий таълим*, - 2024. - № 5-сон. Б. 53-57.; 2) Умумтаълим мактаб ўқувчиларининг географик-экологик маданиятини шакллантириш ва геоэкологик таълим муаммолари. Монография. "Боокманй Принт" нашриёти. Тошкент, 2024. Б.166.; 3) Геоэкологик маданият парадигмаси: илмий талқин, ривожланишнинг янги вектори // *"ЎЗМУ хабарлари"*. 2023. - № 1/5-сон. Б. 32-37.; 4) Мактабда геоэкологик маданиятни шакллантириш // *Замонавий таълим*, - 2023. - № 6-сон. Б. 46-53.; 5) Мактаб - геоэкологик маданиятни тарбиялашда энг муҳим бўғин // *Педагогика журна*ли. - 2023. - № 3-сон. Б. 64-66.; 6) Мактаб географик таълими орқали геоэкологик маданиятни шакллантириш масалалари // *Замонавий таълим*, - 2022. - № 12 (121)-сон. Б. 36-42.

Тоҳириён А.Ш. 1) Шахсий ва умумий тарихий хотира уйғунлигининг тарбиявий аҳамияти // *Zamonaviy ta'limda fan va innovatsion tadqiqotlar jurnali* // <http://zamtadqiqot.uz/index.php/ZTFITJ/index>, 3-son 8-to'plam 2025 y/ 25-38.; 2) Трактовка формирования исторической памяти в образе исторической личности // *O'zMU ilmiy xabarlar*i, 2024, [1/6] 192-196-betlar.; 3) Замонавий таълимда ҳарбий-ватанпарварлик онғи шакллантиришда тарихий хотира омиллари // *Zamonaviy ta'lim*, 2024. №3 (136), 49-57 betlar.; 4) Тарихий хотира ва халқ анъаналари ўзаро боғлиқ жиҳатларининг тарбиявий аҳамияти // *Zamonaviy ta'lim*, 2024. №1 (134), 3-11 betlar.; 5) Тарихий хотиранинг илмий тафсири ва унинг шаклланишида тарбия ўрни // *Номаи Донишгоҳ (Ученые записки) Худжандского госуниверситета*, 2023 №3, 21-30 betlar.; 6) Интерпретация формирования и воспитания исторической памяти в образе исторической личности // *Современная наука: Актуальные проблемы теории и практики. Серия «Гуманитарные науки»*. (БАК-5.6.х, 5.8.х, 5.9.х) 2022. № 11, 36-43 стр.

² Ҳамидова Н Тарихий хотира – миллий ўзликни шакллантириш омили сифатида. // *Тарих ва ёшлар журна*ли, 2021, № 2, 27–31-бетлар.

тарбиявий кучга эга бўлган омилдир. Масалан, Амир Темурнинг давлат бошқаруви, ёхуд XX-аср бошидаги мустамлакачиликка қарши курашлар ҳақидаги маълумотлар ўқувчининг миллий ғурурини шакллантиради. Шу билан бирга, бу тарихий воқеаларнинг географик макони ва экосистемаси география дарсида таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Тарихий хотира тарихий жараёни раціонализация қилиш, мафкуралаш ва сиёсийлаштириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тарихий танловни белгилайдиган жамоавий ғоялар бўлганида, ўзгарган жамиятда унинг аҳамияти кескин ошади. Тарихий хотира мавзуси жамиятларни ўзгартириш шароитида, айниқса, Ўзбекистонда алоҳида аҳамиятга эга. Олимларнинг¹ таъкидлашича, замонавий Ўзбекистон тарихини қайта кўриб чиқишга қаратилган кўплаб расмий ва норасмий ўринишларга қарамай, энг муҳим воқеалар тартиби, тарихий шахсларнинг баҳолари (баъзи ўзгартиришлар билан) ва эсда қоларли жойларнинг асосий рўйхати халқнинг тарихий хотирасида сақланиб қолмоқда.

Иккинчи томондан, *географик-экологик* маданиятни шакллантириш масаласи, бу табиат ва инсон муносабатини мустаҳкамлаш масаласидир. Маълумки, мактабларда география ва биология фанлари орқали ўқувчиларда табиатга нисбатан масъулиятли муносабат, экологик билим ва маданият шаклланади². Ўзбекистоннинг экологик муаммолари, жумладан, Орол денгизининг қуриши, тоғ ва чўл экотизимларининг бузилиши, ҳаво ифлосланиши каби масалалар нафақат илмий, балки ижтимоий-ахлоқий масаладир. География дарсида бу муаммоларни атрофлича муҳокама қилиш, уларнинг тарихи ва инсон фаолияти билан боғлиқлигини аниқлаш орқали экологик маданиятни шакллантириш мумкин ва энг муҳими тарихий сайр ҳам фойдадан холи эмас.

Географик ва экологик маданият бир-бири билан боғлиқ бўлган бир қатор унсурлардан ташкил топган ажралмас тизим бўлса, тарихий

хотирада ҳам ушбу унсурларни учратиш мумкин. Масалан, географик-экологик билимлар тизимини шакллантиришда қадриятли, меъёрий, амалий ёндашувлар муҳим ўрин тутди. Тарихий хотирада ҳам ушбу унсурлар чуқур ўрин олади. Ёки географик ва экологик фикрлаш масалалари билан бир қаторда мактаб ўқувчиларининг тарихий тафаккури ҳам доимий эътиборда бўлган масаладир. Қолаверса, сабаб-оқибат, эҳтимолий, башоратли ва бошқа турдаги алоқаларни ўрнатиш масалалари ҳам иккала ҳолатда зарурий унсурлар қаторига киради. Демак, фикрлаш ва ҳиссиётлар маданиятини кундалик ҳаракатлар нормасига айлантириш даражаси билан тавсифланган геоэкологик маданият ҳамда тарихий хотира ёшлардаги умумий хулқ-атвор маданиятининг шаклланишига кўмаклашади.

Географик-экологик маданиятнинг намоён бўлиши шахснинг ижтимоийлашуви жараёнида қанчалик масъулиятли фаолият ҳисобланса, тарихий тафаккур ва тарихий хотиранинг шаклланиши ҳам шу даражада муҳимдир. Замонавий тарих таълими ҳамда геоэкологик таълим маҳаллий, минтақавий ва глобал миқёсда табиий муҳитда содир бўлаётган жараёнлар ва ҳодисалар тўғрисида тегишли билимларни оммалаштириш ва ривожлантиришга олиб келади.

Тадқиқот натижаларига асосланиб таъкидлаш жоизки, мактаб фанлари орқали ёшларда тарихий хотира ва географик-экологик маданиятни шакллантиришнинг интегратив ёндашуви, умуман мактаб фанлари ўқитувчисининг ўзига хос фаолияти тарбиявий ишлар доирасида ўқувчиларнинг халқ ва миллатга, жамият ва табиатга, меҳнат аҳлига бўлган ҳурматини ва ерни ҳимоя қилиш истагини ривожлантиришга қаратилиши замон тақозосига айланмоқда. Чунки шу тариқа, ўқувчиларнинг она юрти тарихи, унинг маданий мероси, халқ анъаналари ва урф-одатларига қизиқишини ошириш ҳамда уларнинг географик-экологик маданиятини шакллантириш халқ анъаналари, урф-одатлари ва анъанавий байрамларига таянишини таъминлаш, аллақачон таълим дастурлари ва таълим воситаларининг мазмунига сингдирилган ва ўзининг амалий натижадорлигини кутмоқда.

Ўқувчи шахсининг географик-экологик маданиятини шакллантиришнинг энг самарадорлигини кутмоқда.

¹ Макаров С.Д. История, экология и культура: педагогические аспекты интеграции. - Москва: Просвещение. 2020.

² Назаров А. Биология ва география фанлари интеграциясида экологик онгни шакллантириш. // Замонавий таълим муаммолари, 2018, № 1, 52–57-бетлар.

рали воситаси уларни географик-экологик характердаги дарсдан ташқари машғулотларга органик равишда жалб қилишдир, бу бола-ларнинг фаол фаолият субъектлари сифатида табиий муҳит билан кўп томонлама ўзаро таъсирини назарда тутати ва инсон ҳаётида гуманистик ахлоқий позицияни шакллантиришга қаратилган табиат билан муносабатлар, яъни инсоннинг ҳам, табиатнинг ҳам фаровонлиги устувор аҳамиятга эга. Географик-экологик мазмундаги дарсдан ташқари машғулотларнинг барча турларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ўқув жараёнига географик-экологик характердаги турли хил махсус курслар ва танловларни киритиш зарурати ўз исботини топган. Бу ёшларнинг турли экспериментал тадқиқотларда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларида иштирокини фаоллаштириш, турли географик ва экологик тўғараклар, лагерлар ва бошқаларни ташкил этишда ўзини намоён қилишга имконият яратди.

Худди шундай, тарих дарсларида, тарихий ва таниқли шахслар, масалан, Бобур шахсининг мисолида, ёшларнинг тарихий хотирасини шакллантириш ва мустақамлаш мақсадида, айнан унинг ҳаётидаги воқеалар мазмунига, шу мазмунни истаган ва яратган муаллиф хатти-ҳаракатларига қаратилса, ўқувчилар фақатгина шахсни эмас, балки тарихий воқеалар сюжети, уларнинг ўзаро мантиқий боғлиқлик томонлари, ўша замон ҳақидаги умумий тарихий, ижтимоий, маданий ҳаёт манзарасини ҳам хотирада муҳрлаб олишлари учун имкон яратилиши лозим. Бунда, "Бобурнома"га таянган ҳолда, ҳар бир ҳодиса ва воқеага хос эмоционал туйғулар, замон қадриятлари, даврнинг ғоялар мазмуни, ҳукмрон тафаккур тизимлари сингдирилса, ўқувчи-ёшлар буюк шахс саналмиш Бобур сиймоси билан ҳамзамон ва ҳамқадам тарихий саҳна ҳамда тарихий даврни хотираларига мужассам эта оладилар.

Шундай қилиб, мақолада қуйилган муаммога мувофиқ, тадқиқотлар ва ўрганишларга асосланиб, тарих ва география фанларининг интегратив таълимида қуйидаги методик ёндашувларни қўллаш мақсадга мувофиқдир:

1. *Фанлараро лойиҳалар.* Масалан, "Менинг юртим тарихи ва табиати" мавзусида лойиҳа ишларини яратиш.

2. *Интегратив дарслар ташкил этиш.* Мавзуларга кўра, тарих ва география дарсларининг қўшма ўтказилиши.

3. *Тадқиқотга асосланган ўқув жараёнидан фойдаланиш.* Мисол учун, маҳаллий табиий объектлар (дарёлар, тоғлар, тарихий ёдгорликлар) бўйича таҳлил ва тақдимот тайёрлаш.

4. *Музей ва табиат боғларига ташрифлар уюштириш.* Шу орқали амалий ўқув жараёнида таълимий маданиятни бойитиш.

Ушбу ёндашувлар асосида, амалий ёрдам сифатида яна қуйидаги амалий мисоллар ва таҳлилларни тақдим этишимиз мумкин. Мисол учун, баъзи мактабларда "Ўз юртимни ўрганаман" номли факультатив курслар жорий этилган. Унда ўқувчилар ўз шаҳар ёки қишлоғининг тарихи, табиати, маданияти ҳақида маълумот тўплаб, маълумотномалар тайёрлайди. Бу тадбир ёшларда мулоҳазакорлик, таҳлил қилиш, фактларга таяниш кўникмаларини шакллантиради. Ушбу усулни оммалаштириш таълим сифатини янада оширади. Маълумки, таълим жараёнида қуйилган мақсадга эришиш учун, таълим методикаси, энг самарали технологиялар ҳам аҳамиятлидир. Ўтилажак мавзунинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгиланган ҳолда, унинг натижадорлигига эришишнинг асосий воситаси тўғри педагогик технология ва методларни қўллаш масаласи ҳисобланади¹.

Агарда, тарихий хотирани шакллантириш жараёнида тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятига тегишли мавзулар ўрганилса, кўпроқ замонавий электрон таълим ресурслардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, ҳужжатли фильмлардан парчалар, видеодарслар, мультимедиа воситалар қўлланилса, ҳодиса-воқеаларни жилваланган манзараси ўқувчи тасаввурида муҳрланган из қолдириши мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, Бобур мисолидаги тарихий хотирани шакллантириш жараёнига тегишли ҳолатда, унинг юрт соғинчи, Ватан муҳитини қумсамоқ каби шахсий кечинмалари, айниқса ёшларнинг юртга, Ватанга, халққа меҳр ва муҳаббат

¹ Қурбонов Б. Таълимда фанлараро интеграция усуллари ва уларнинг самарадорлиги. // Педагогика журна-ли, 2020, № 3, 15–20-бетлар.

туйғуларни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Хулоса ва тавсиялар. Тадқиқот натижалари асосан ишончли экспериментал иш пайтида, синфда ва мактаб соатларидан кейин ўқувчилар билан суҳбатлар, сўровномалар, кузатувлар ва суҳбатлар ўтказиш жараёнида олинган. Маълум бўлишича, биз ишлаб чиққан методология тарихий хотирани, атрофдаги воқеликка нисбатан географик-экологик маданият, қарашлар ва фазилатларнинг барқарор тизимини шакллантиришга, жамият ўтмишининг сабоқларига, табиий ресурсларга оқилона муносабат яратилишига ёрдам беради ва табиат билан инсон ўзаро эҳтиёжларига ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, мактаб таълимида интегратив ёндашувни кенг қўллаш орқали ўқувчиларда Ватанга муҳаббат ва миллий ўзлик ҳисси мустаҳкамланади, табиат ва жамият ўртасидаги боғлиқлик ҳақида онгли тушунча шаклланади ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган тарихий

хотира ва географик-экологик маданият янада ривожланади.

Шу билан бирга, интегратив таълимни мақсадли амалга ошириш учун, бизнингча, баъзи **тавсиялар** фойдадан холи бўлмас:

1. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг тарих ва географиядан олган билимларига ҳаётий мазмун бағишлаш учун, таълим муассасасида интегратив дарслар режаси ишлаб чиқилиши лозим;

2. Интегратив дарсларнинг самарали бўлишини таъминлаш учун фан ўқитувчилари ўртасида ҳамкорлик механизмлари ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ;

3. Интегратив дарсларнинг мазмунли ташкил этиш учун интегратив таълим мазмунида маҳаллий тарих ва табиат объектларига оид материаллар кенг ўрин олиши лозим;

4. Интегратив дарсларнинг қизиқарли бўлиши учун замон талаблари асосида электрон ресурслар ва рақамли технологиялар ёрдамида фанлараро ўқув платформалари яратилиши зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Қ. Интегратив таълим ва фанлараро ёндашув: назария ва амалиёт. - Тошкент: Фан ва технологиялар нашриёти. 2022.
2. Қурбонов Б. Таълимда фанлараро интеграция усуллари ва уларнинг самарадорлиги. // Педагогика журнали, 2020, № 3, 15–20-бетлар.
3. Ҳамидова Н. Тарихий хотира – миллий ўзликни шакллантириш омили сифатида. // Тарих ва ёшлар журнали, 2021, № 2, 27–31-бетлар.
4. Назаров А. Биология ва география фанлари интеграциясида экологик онгли шакллантириш. // Замонавий таълим муаммолари, 2018, № 1, 52–57-бетлар.
5. Макаров С.Д. История, экология и культура: педагогические аспекты интеграции. - Москва: Просвещение. 2020.
6. UNESCO (2020). Education for Sustainable Development: A Roadmap. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000374802>